

**Юз билан юзлашган ҳамда табаррук ёшни қаршилаётган мўътабар зотларга эҳтиром кўрсатилди**

Айни кунларда Ўзбекистон туманидаги барча маҳалла ва масканларда, меҳнат жамоаларида "Оналарга эҳтиром" фестивали доирасидаги маънавий-маърифий тадбирлар, туркум акциялар ташкилланиб, мўътабар зотлар яна бир бор улуғланмоқда.

Қутлуғ мақом соҳибаларига эҳтиром кўрсатилиб, уларга совға-салому, чаман гуллар тақдим этилмоқда. Табаррук зотларни мадҳ этишга бағишлиланган куй-қўшиқ ва шеърлар ижро этилиб, кўнгиллар олинмоқда.

Хусусан, ана шу эзгу ташаббус доирасида туман ҳокимининг ўринbosари-оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Зулфияхон Саримсақова маҳаллаларда умргузаронлик қилаётган юз билан юзлашган ҳамда табаррук ёшни қаршилаётган онахонлар ҳолидан хабар олди.

Каримободлик 103 ёшли Бибинисо она Тиллоева, қирқетмонлик 104 ёшли Турсуной она Умрзақова, бекободлик 97 ёшли Иноятхон она Азизова ҳамда даханақақирилик 95 ёшли Саодатхон она Эргашеваларнинг хонадонларига қилинган ташриф ва самимий эҳтиром табаррук зотларга шодлигу-қувонч улашди.

Фестивал доирасидаги тадбирлар жойларда уюшқоқлик ва қўтаринки руҳда давом этмоқда.





2023-05-10 21:34:37